

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Фармацевтика Инститuti

Қўлёзма ҳуқуқида

Усарова Дилдора Курбановна



**Карамдан олинган фосфолипаза Д нинг барқарорлигини  
ошириш.**


Хитисослик: 5A522902 Иммунобиологик ва микробиологик препаратлар  
технологияси мутахассислиги

Магистрлик даражасини олиш учун

## ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: т.ф.д. ,проф. М. Худойбердиев

Оппонент: катта илмий ходим, т.ф.н. Г. Сотимов



ТОШКЕНТ-2012

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Кафедра мудир

“ — ” — 2012 й

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ  
БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР

Тошкент Фармацевтика институти ректорининг 2011 й “19” февраль 22-сон буйруғи билан тасдиқланган

Биотехнология кафедраси бўйича  
Боралдин олимтай фурсолимова Янниқ Бартарович

магистрлик диссертациясининг номи  
“Ички регуляция”

мавзудаги магистрлик диссертацияси

Илмий раҳбар Т.ф.д. проф. М. Қудайбергидев бошчилигид

Илмий раҳбарнинг исми-фамилияси, лавозими, илмий даражаси ва илмий унвони)  
Усарова Анжора Бурбақовна томонидан

(тингловчининг исми-фамилияси)  
туғалланган ҳолда 2012 й “14” июни

да Биотехнология кафедрасига дастлабки ҳимоя учун тақдим этилади.

Тадиқот ишида Мобиле риг қон тизими манбақлардан  
интернет ресурслари, асбоб ускуналар: РН-исеар,  
интерфас, микрометр, микрометр, микрометр  
электрооқиметр, фойдаланила

ди Фармацевтика соҳаси, тиббиёт соҳаси бўйича чоп этилган адабиётлардан, замонавий усул ва услублардан ва ҳ.к.)

Ишда Ферментларни тек бар ривожини  
Боралдин олимтай фурсолимова Янниқ  
Бартарович берилиши

кўзда тутилади  
Ишда қуйидаги масалалар баён этилади:

Адабийналар шарти

(НОМИ)

Ташрибе висеи

(НОМИ)

Минибиланнаи ва зикри фазолини зе

А фармоишарини кассаарини таъноси

(сана, ой, йил)

Илмий  
сахбар м.ф.з. крор М. Қудойбердиев

(исми, фамилияси, илмий даражаси ва унвони)

Магистрант 2011й "19" февралда топшириқни қабул қилди

## Мундарижа:

Кариш	3
1-боб. Адабиётлар шархи.	8
Фосфолипазалар характеристикаси	25
1. Фосфолипидлар гидролизини катализлаиди;	26
Фосфолипаза Д нинг характеристикаси	27
Фосфолипаза Д нинг баъзи хоссалари	28
Фосфолипаза Д нинг турли формалари хоссалари.	36
2-Боб. Тажриба қисми	37
2.1 Тайёр маҳсулот таснифи	41
2.2 Фосфолипаза Д фаоллигини ўлчаш	43
3-боб Иммобилланган ва эркин <sup>1</sup> фосфолипаза Д формаларининг хоссаларини таққослаш.	68
Хулоса	72
Адабиётлар рўйхати	75

## Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ферментлар мухандислиги ген мухандислиги ва хужайра мухандислиги билан бир қаторда замонавий биотехнологиянинг тез ривожланаётган истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Биотехнологияда ферментларнинг қўлланилиши ва уларнинг фаоллиги ва турғунлиги билан боғлиқ. Биологик катализаторлар ҳисобланувчи ферментлар иккинчи ноёб хусусиятга эга бўлиб, улар ферментларнинг каталитик реакцияларга кимёвий аналогларига нисбатан юзлаб марта ортиқ самарали бериши ва нихоятда юқори селективлигидир. Ферментларнинг бу хусусияти хом ашёлардан керакли маҳсулотни олишда уларга қўшимча ишлов бермасдан олиш имкониятини беради. Яъни маҳсулот олиш технологияси сезиларли содалашади. Бу жараёнларнинг яна бир ижобий жиҳати шундаки, унда хом ашёнинг бошқа компонентлари мутлақо ўзгаришсиз қоллади. Бу эса ўз навбатида реакцион муҳитдан керакли маҳсулотни ажратиш жараёнини енгиллаштиради.

Аммо деярли барча ферментлар ташқи таъсир натижасида ўз ижобий хусусиятини тезда йўқотувчан бўлиб, уларнинг турғунлиги нихоятда паст даражада. Технологик жараёнларда улардан самарали фойдаланиш учун ферментларнинг барқарорлигини ошириш зарур.

Илмий тадқиқотларда, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида ва табиётда кенг қўлланилиши мумкин бўлган липолитик ферментлардан бири, бу фосфолипаза Д бўлиб, уни табиий хом ашёлардан ажратиш ва барқарорлаштириш усулини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Карамдан фосфолипаза Д ферментини ажратиш технологиясини ва олинган ферментни барқарорлаштириш усулини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Илмий янгилиги. Биринчи марта қсимлик хом ашёларидан (карамдан) фосфолипаза Д ферментини ажратиш ва уни силикагельга иммобиллаш билан барқарорлаштириш усули ишлаб чиқилди.

### Амалий аҳамияти. Барқарорлаштирилган фосфолипаза Д ферменти

қатор технологик жараёнларда, шу жумладан гидролитик, турли гуруҳларнинг синтези ва бошқа қатор жараёнларда қўлланилиши мумкин.

Мавзунинг долзарблиги. Ферментлар муҳандислиги ген муҳандислиги ва тузайра муҳандислиги билан бир қаторда замонавий биотехнологиянинг тез ривожланаётган истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Биотехнологияда ферментларнинг қўлланилиши ва уларнинг фаоллиги ва турғунлиги билан боғлиқ. Биологик катализаторлар ҳисобланувчи ферментларнинг янги ноёб хусусиятга эга бўлиб, улар ферментларнинг каталитик реакцияларга кимёвий аналогларига нисбатан юзлаб марта ортиқ тезлик билан ишлайди ва нихоятда юқори селективлигидир. Ферментларнинг бу кейинги хусусияти ҳам ашёлардан керакли маҳсулотни олишда уларга қўшимча ишлов бермасдан олиш имкониятини беради. Яъни маҳсулот олиш технологияси янги усулларли содалашади. Бу жараёнларнинг яна бир ижобий томони шундаки, уларда ҳам ашёнинг бошқа компонентлари мутлақо ўзгаришсиз қолади. Бу эса ўз навбатида реакцион муҳитдан керакли маҳсулотни ажратиш жараёнини осонлаштиради.

Аммо деярли барча ферментлар ташқи таъсир натижасида ўз ижобий хусусиятини тезда йўқотувчан бўлиб, уларнинг турғунлиги нихоятда паст даражада. Технологик жараёнларда улардан самарали фойдаланиш учун ферментларнинг барқарорлигини ошириш зарур.

Илмий тадқиқотларда, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида ва табиётда кенг қўлланилиши мумкин бўлган липолитик ферментлардан бири, бу фосфолипаза Д бўлиб, уни табиий ҳам ашёлардан ажратиш ва барқарорлаштириш усулини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Карамдан фосфолипаза Д ферментини ажратиш технологиясини ва олинган ферментни барқарорлаштириш усулини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Илмий янгилиги. Биринчи марта ўсимлик хом ашёларидан (карамдан)

фосфолипаза D ферментини ажратиш ва уни силикагельга иммобиллаш билан барқарорлаштириш усули ишлаб чиқилди.

Амалий ахамияти. Барқарорлаштирилган фосфолипаза D ферменти бир қатор технологик жараёнларда, шу жумладан гидролитик, турли гуруҳ ферментларнинг синтези ва бошқа қатор жараёнларда қўлланилиши мумкин.

Биологик катализаторлар ҳисобланувчи ферментларнинг асосий хоссиётлари, уларнинг юқори фаоллиги ва мутлақо селективлигидир. Улар организмда барча кимёвий реакцияларда қатнашади.

Ферментларнинг юқори каталитик хоссаларидан турли технологик жараёнларда ҳам қўлланиб келинмоқда. Маълум сабабларга кўра ферментларни амалиётда қўллаш чекланган. Бу чекланишлар кўплаб омиллар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг асосийлари деб қуйидагиларни ҳисоблаш мумкин:

1. Реакция муҳитидан ферментларни ажратиш имкони йўқ;

2. Ферментларнинг турли ташқи таъсирга, шу жумладан ҳароратга чидамсизлиги;

3. Турли усулларда олинган ферментларнинг тозалаш технологиясининг кўп басқичли ва мураккаблиги.

Бу чекланишларни бартараф қилишнинг энг самарали усулларидадан бири ферментларни иммобиллаш ҳисобланади. Иммобилланган ферментлар ферментларнинг асосий ижобий хоссаларини сақлаган ҳолда гетероген катализаторлар афзалликларига ҳам эга бўлади.

Иммобилланган ферментларни технологик жараёнлардан сўнг оддий филтрлар ёрдамида реакция аралашмасидан (реакцион муҳитдан) ва субстратдан ажратиш мумкин.

Иммобилланган ферментлар оддий ферментларга нисбатан турли ташқи таъсирларига, шу жумладан температурага нисбатан юқори чидамликга эга. Бундай ферментлар ўз фаоллигини узоқ вақт сақлаб олади ва уларни жараёнда

марталаб қўллаш мумкин. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, иммобилланган ферментларнинг абсалют фаоллиги эркин фермент фаоллигидан нисбатан пастроқ бўлади. Яъни иммобиллаш жараёни ферментнинг фаоллигини қисман пасайтиради.

Ферментларни кимёвий иммобиллаш жараёнида уларни хроматографик усулда ажратиш ва тозалаш мумкин.

Гидролазалар гуруҳига кирувчи протеолитик фермент – пепсин фармацевтика озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилади. Бу ферментни мезон ости безининг шиллиқ қаватидан олиш ва унинг барқарорлигини кимёвий иммобиллаш орқали ошириш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим бўлиб, у бизнинг диссертация ишимизнинг асосий мақсади қилиб олинди.

Диссертация ишимизда биринчи марта биоспецифик хроматография усулини қўллаган ҳолда пепсиннинг иммобилланган шаклини олиш учун олиб берилган тажрибалар натижалари келтирилган.

Липидлар биотрансформацияси – ҳозирги замон биотехнологиясининг тез ўзгариш билан ривожланаётган соҳаларидан биридир. Ҳозиргача липидлар фақат табиий йўллар – ўсимлик, хайвон ва микроорганизмлардан олиниб келинмоқда. Ҳар хил корхоналар бу усуллар билан танланиб ёғлар, суюқ майлар ҳамда баъзи шифобахш липид ва фосфалипидларни ишлаб чиқармоқдалар. Лекин ноёб липидларни бу усуллар билан кўп миқдорда ажратиш қийин. Баъзан эса умуман ажратиш имкони йўқ. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда липидларни биотехнологик йўл билан микроорганизм ва ферментлар ёрдамида ажратиш олиш йўлларни қидирилмоқда. Буинг муҳим вақти шундаки, ноёб липидларни арзон кўп топиладиган липидлардан олиш имконияти туғилади.

Бундай биотрансформацияни амалга оширишда липолитик ферментлар муҳим рол тутади. Охириги изланишлар шуни кўрсатадики, липаза ва фосфалипазалар фақатгина гидролитик хоссага эга эмас экан. Улар яна эстеридлар синтезида, липидларни ациллашда ва алкиллашда, трансалкиллаш

трансациллаш, этерификация ва транстерификация реакцияларини ҳам катализлар экан. [1]

Бу планда фосфалипизалар ҳақида кўпгина маълумотлар тўпланган. Ферментнинг ичида бизни кўпроқ фосфалипаза Д (кўпчилик ФпД) ферменти қизиқтиради. Бу ферментнинг трансферазалик хоссалари кўпдан бери маълум. Бу хоссага биотехнологик назардан жуда катта қизиқтириш билан қоралади. Чунки бу хосса билан тиббиёт, фармацевтика, илмий соҳалар, қолаверса озиқ-овқат учун ҳар хил ноёб, доривор моддалар олиш имкони тузилади.

Ушбу Магистрлик диссертациямизда қарам баргидан фосфолипаза Д экстракцияси ҳамда унинг олиш технологик схемаси кўрсатилди. Ферментнинг олиш ҳолини ажралиб чиқиши бўйича аниқланди.

## 1-боб. Адабиётлар шархи.

1.1. Ҷисмлик хом ашёсини экстракцияси.

Экстракциялаш мураккаб физик-кимёвий жараён бўлиб, эриш, диффузия, осмос, диализ, масса алмашиниш каби ходисалар юз беради. Буларнинг механизмини битта назария билан тушунтириши қийин. Бу соҳани назарий жihatдан бойитишда И.А.Муравьев, В.Д.Пономарёв, Ю.Г.Писоков каби атоқлиқлар ўз хоссаларини қўшганлар. Экстракциялашни назарий жihatдан кўришда молекуляр ва конвектив диффузия ҳамда масса алмашиниш жараёнлари асосий омиллар ҳисобланади.

Молекуляр диффузия

Бу молекулаларнинг тартибсиз жарохати натижасида бир-бирининг ичига таъминловчи жараёндир. Диффузиянинг тезлиги молекулаларнинг кинетик энергиясига боғлиқ. Диффузион жараёнининг харакатлантирувчи кучи бир-бирига тегиб турган қатламлардаги эриган моддалар концентрациялари фарқидаир. Бу жараён бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, ФИК тенгламаси билан ифодаланади.

$$S = D \cdot F \frac{C - c}{X} t,$$

Бу ерда:

$S$  – диффузия натижасида ажралиб чиққан модда миқдори, кг.

$D$  – диффузия коэффиценти (қатлам қалинлиги  $1\text{ м}$ , юзаси  $1\text{ м}^2$  ва концентрациялар фарқи  $1\text{ кг/м}^3$  бўлганда  $1$  сония ичида ажралиб чиққан модданинг кг да ифодаланган миқдори).

$F$  – диффузия кечадиган юза,  $\text{м}^2$ ,

$C - c$  – концентрациялар фарқи  $1\text{ кг/м}^3$ ,

$X$  – қатлам қалинлиги,  $\text{м}$ ,

$t$  – диффузия вақти,  $\text{с}$ .

Тенгламадан ажратма олиш жараёнига ижобий ва салбий таъсир этувчи факторларни билиб олиш мумкин ва ажратма олиш усулларини танлашда бу факторлардан фойдаланиш лозим.

Диффузия коэффициентининг математик ифодаси куйидагича:

$$D = \frac{R \cdot T}{N_0 6 \pi r \eta^0}$$

бу ерда:

- R - газ доимийлиги, 8,32 Ж/град. моль;
- T - абсолют харорат;
- $N_0$  - Авагадро сони,  $6,06 \cdot 10^{23}$ ;
- $r^0$  - қовушқоқлик;
- R - диффузияга учраган заррачалар радиуси.

### Конвектив диффузия

- аралаштириш ёки аралаштиришга сабаб бўладиган, харорат ўзгариши ва бошқа сабаблар туфайли вужудга келадиган жараён конвектив диффузия туфайли моддалар эриган холда бир қатламдан бошқа қатламга ўтади. Ўтаётган қатлам ичида молекуляр диффузия ҳам содир бўлади. Конвектив диффузия куйидагича ифодаланади:

$$S = \beta (C - c) F \cdot t,$$

бу ерда:

- $\beta$  - конвектив диффузия коэффициенти, кг/с;
- F - диффузия кетадиган юза, м<sup>2</sup>
- C - c - концентрациялар фарқи, кг/м<sup>3</sup>;
- t - диффузия варки, сек.

Демак ажралиб чиққан модда миқдори конвектив диффузия коэффициенти, қатлам юзаси, концентрациялар фарқи ва жараён давом этган вақтга тўғри мутаносиб экан. "Ички" диффузия хом ашё хужайраларидаги моддаларни ташқарига олиб чиқиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни қамраб олади. Бунда харакатлантувчи кун молекуляр диффузиянинг "ички" коэффициентиدير.

Ажратма олиш жараёни 3 босқичдан иборат:

1. Хом ашё тўқималари ва уларнинг ташқи юзаси ўртасидаги молекуляр диффузия (ички диффузия)
2. Диффузия кечадиган юзалар оралиғидан моддаларнинг ўтиши. Бунда асосий омил диффузия коэффициентидир.
3. Харакатдаги ажратувчи окимда моддаларни олиб ўтиш. Бунда асосий омил конвектив диффузия коэффициентидир.

Умумий ажралиб чиққан модда миқдори масса алмашилиш деб аталади ва у куйидагича ифодаланади.

$$M = F(C-c)t,$$

бу ерда:

$S$  - қатламдан бошқа қатламга ўтган модда миқдори, кг.

$k$  - масса алмашилиши коэффициентидир;

$F$  - бир-бири билан чегараланиб турган юза,  $m^2$ ;

$C-c$  - концентрациялар фарқи,  $kg/m^3$ ;

$t$  - диффузия вақти, сек

Масса алмашилиш коэффициенти ( $k$ )  $1m^2$  юзадаги концентрациялар фарқи  $1kg/m^3$  бўлганда 1 соғияда ажралиб чиққан модда миқдорини ифодалайди. Вақт бирлигида бир фазадан иккинчисига ўтган модда миқдори масса алмашилиш коэффициенти, қатлам юзаси, жараён давом этган вақт ва концентрациялар фарқига тўғри мутаносибдир.

Демак диффузия жараёнини асосий омили концентрациялар фарқи бўлиб, қатламларда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш, асбоб ускуналарни танлаш шунга асосланади.

### Ажратувчилар (экстрагент)

Саноат миқёсида ўсимликларни экстракциялашда ажратувчиларни танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ажратувчиларга куйидаги талаблар қўйилади.

- таъсир этувчи моддани яхши ажратиш олиш (диффузион қобилияти юқори бўлиши);

- таъсир этувчи моддага ва асбоб-ускуналарга салбий таъсир этмаслиги:
- Захарли ва осон алангаланувчан бўлмаслиги, хидсиз, рангсиз, мазасиз ва арзон бўлиши;
- Нисбатан паст хароратда осон учувчан, лекин турғун бўлиши керак.

Қорхона шароитида ажратма олиш учун хом ашё таркибида қайси гуруҳ таъсир этувчи моддалар борлиги ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва бошқа жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда ажратувчи танланади. [2]

## 1.2. Ферментлар ва уларнинг тиббиётда қўлланилиши.

Энзимология (ферментлар ёки энзимлар ҳақидаги таълимот)нинг аввал боши ачиткилар сабаб бўладиган спиртли бижғиш, крахмалли хом ашёни шакарга бойитиш учун унган арпа донлари (солд) дан фойдаланиш, нон ёпишда хамиртуруш ишлатиш сингари инсон томонидан маданият энди пайдо бўлиб келаётган даврда қўлланилган технологик процессларга бориб тақалади. Фермент сўзи латинча fermentum- хамиртуруш сўзидан олинган; ферментларнинг энзимлар деган иккинчи бир номи юнонча σν ζυμε яъни ачиткиларда, деган сўздан олинган.

Петербург Фанлар Академиясининг аъзоси К.С.Кирхгоф 1814 йили солддан тайёрланган экстракт крахмалнинг бирмунча оддий қандларга айланishiга сабаб бўлишини топди. Бошқача айтганда, дастлаб фермент препарати тирик хужайралар таркибида олинмасдан, балки эритма ҳўринишида олинди. 1897 йили Э.Бухнер деган номли олим янчилган ачиткиларни преселаш йўли билан уларнинг ширасини олди., бу шира ҳам гарчи хужайралари бўлмаса-да, спиртли бижғишга сабаб бўла олар эди. Мана шу хилдаги тажрибалар тирик хужайраларда муайян реакцияларни катализлайдиган моддалар бўлади ва бу моддаларни хужайралардан ажратиб, олиб, химия методлари билан ўрганиб чиқиш мумкин, деган тасаввурни тасдиқлаб берди. XX асрнинг 30-йилларида баъзи ферментлар юксак даражада тозаланган. Кристаллик ҳолда олинди. Кимёвий табиатига ҳўра бу кристаллар оксил моддалари бўлиб, чиқди ва шу нарса ферментлар оксиллардан иборат эканлиги исбот этувчи дастлабки ишончли далил бўлди.


Ферментларни ўрганиш тарихи умуман катализни ўрганиш тарихи билан чамбарчас чирмашиб кетади. Катализ, деб жуда кам, ностехиоетрик миқдордаги маълум моддаларни-катализаторни қўшиш натижасида кимёвий реакциянинг тезлашувига айтилишини эслатиб ўтамиз. Масалан, платина водород пероксиднинг кислород билан сувга парчаланишини тезлаштиради, кислоталар, оксилларнинг аминокислоталарга, крахмалнинг глюкозага, жочивинанинг  $\text{CO}_2$  ва  $\text{NH}_3$  га парчаланишини тезлаштиради, кислоталар, ва окказо. Реакция паёнига етганидан кейин катализатор қандай миқдорда қўшилган бўлса, худди шундай миқдорда аралашмада топилаверади. Швед эмиги Я.Берцеллус 1835 йили бир асарини эълон қилиб, унда, бир томондан, бижғиш, солоднинг крахмалга таъсири, меъда ширасининг ҳазм қилувчи таъсирини ва иккинчи томондан, кислоталар таъсири остида крахмалнинг парчаланиши, водород пероксиднинг платина билан парчаланиши ва бошқаларни солиштириб чиқди. У мана шу жарёнларни бирлаштириб турган муштарак қондани: катализатор реакциясида востехиоетрик миқдорларда иштирок этади, деган умумий қондани қайд қилиб ўтди; Бундай қараганда катализатор реакциясида умуман иштирок этмайдиган, балки ўзининг борлиги билангина унга таъсир ўтказиб бордигандек бўлиб кўринади. “Катализ деган термин ҳозирги маъносида айнан шу Берцелиуснинг ўзи ишлатди ( авваллари бу термин “парчаланиш” терминининг синоними тариқасида қўлланилар эди).

Равшанки, катализатор реакцияни ўзининг шунчаки борлиги билан тезлаштирмай, балки реакцияга киришаётган моддага таъсир ўтказиш йўли билан тезлаштиради. Мана бундай бир масалани кўриб чиқайлик. Олтингугурт (II)- оксиди (сульфид ангидрид) кислород билан (ўзаро таъсир қилганида оксидланиб, олтингугурт (III)-оксиди (сульфат ангидрид)га айланади.



Реакцияга киришадиган ана шу арашмага азот диоксили қўшладиган бўлса, у холда хоси бўлиши тезлашади. Сабаби шуки азот диоксили

иштирокида яна битта реакция бошланиб, у ҳам хосил бўлиши га олиб  
етади.



Хосил бўладиган азот оксиди ўз навбатида кислород билан оксидланиб,  
диоксидга айланиши мумкин.




Ферментлар оксиллардир ва ҳамма оксиллар сингари улар маълум  
моддаларни-лигандларни танлаб, саралаб селектив равишда бириктириб  
олиши мумкин. Бироқ бошқа оксиллардан фарқ қилиб, фермент лиганднинг  
кимёвий ўзгаришини таъминлайди. Кимёвий ўзгаришга учрайдиган лиганд  
фермент субстрати, деб аталади, реакция маҳсулотлари эритмага ажралиб  
сикади. Ферментлар тўғрисидаги таълимот анъанага кўра биохимияда  
этакчи ўринни эгаллаб туради, ферментлар эса оксилларнинг ҳаммадан кўра  
кўпроқ ўрганилган синфи бўлиб ҳисобланади. Бунинг сабаби  
ферментларнинг муҳим роль ўйнашига боғлиқ организмда ҳар қандай  
моддаларнинг кимёвий ўзгаришлари шу ферментлар иштироки билан юзага  
чиқади. Бироқ ферментларга алоҳида эътибор берилишининг буларнинг  
биологик ролига алоқадор бўлмаган бошқа сабаби ҳам бор. Гап шундаги,  
ферментларни кўпчилик бошқа оксиллардан фарқ қилиб, топиб олиш ва  
ўзлари катализлайдиган реакцияга қараб миқдорини ўлчаш бирмунча осон.

Ферментларни бошқа катализаторлардан ажратиб турадиган энг  
характерли хусусияти улар таъсирининг ниҳоят даражада ўзига хос,  
специфик бўлишидир. Худди бошқа оксиллар сингари ферментларнинг  
актив маркази ҳам пептид занжиридаги аминокислоталар тасдиқларининг ён  
группаларидан хосил бўлган. Турли реакцияларни катализлайдиган  
ферментлар актив марказларининг тузилиши турличадир. Фермент актив  
марказининг структурлаш субстратнинг сруктурасида комплиментардир,  
шунга кўра, фермент тирик хужайрада мавжуд бўлган кўпдан-кўп моддалар  
орасидан фақат субстратини бириктириб олади. Мана шу хусусиятни  
ферментнинг субстрат спецификлиги дейилади. Масалан, гистидаза


ферменти актив марказининг структураси гистидин аминокислотаси структурасига комплементардир, шунинг учун гистидаза-гистидин фермент субстрат комплекси ҳосил бўлиши мумкин; бошқа моддалар, жумладан, аминокислоталар гистидаза билан бирикмайди.

Бундан ташқари, ферментлар актив маркази функционал группаларнинг бир қисми шундай тузилиши ва реакция лаёқатга эгаки, субстратнинг кимёвий ўзгаришига учраб, янги моддаларга – ферментатив реакция маҳсулотларига айланиши таъминланади. Хар бир фермент субстратда юзага чиқа оладиган кимёвий ўзгаришлардан хар бирини эмас, балки қандай бўлмасин бирортасини катализлайди холос. Мана шу хоссанинг ўзгариш йўлининг спецификлиги деб атайлик. Масалан, гистидаза билан гистидиндекарбоксилаза бир хилдаги субстрат спецификликка эга, лекин гистидиннинг турли ўзгаришларга учрашини катализлайди. Гистидаза таъсирида аминогруппа ( $\text{NH}_2$  шаклида) гистидиндекарбоксилаза таъсирига эга карбоксил группа ( $\text{CO}_2$ ) шаклида ажралиб чиқади;

Ферментларнинг абсолют ва группа спецификлиги фарқ қилади. Абсолют спецификликка эга фермент қандай бўлмасин битта субстратнинг ўзгаришини катализлайди. Масалан, фумараза фумарат кислота билан сув ўртасидаги реакцияни катализлайди холос





Группа специфлигига эга ферментлар ўхшаш тузилишдаги моддаларнинг бир типдаги ўзгаришларини катализлайди. Масалан, липаза ёғлар (триацилглицеринлар)нинг глицерин билан ёғ кислоталарига гидролизланишини тезлаштиради:



Ёғлар айрим вакиллари ёғ кислота қолдиқлари (R радикаллари)нинг табиати жихатдан бир-биридан фарқ қиладиган бирикмалар группасидир. Липаза ҳар хил кислота қолдиқларини ўз ичига оладиган ёғларни парчалайди. Группа специфлигига яна бир мисол пептидлар билан ассилларни гидролизловчи ферментлар таъсирidir: одатда бу ферментлар турли аминокислоталардан ҳосил бўлган пептид боғларни парчалайди.

Моддалар стереоизомерларнинг фазовий структураси ҳар хил бўлади, шу муносабат билан битта стереоизомерга комплементар бўлган фермент актив маркази бошқа стереоизомерларга ҳам комплементар бўлавериши шарт эмас. Ана шунинг учун ҳам кўпгина ферментлар стереоизомерлардан фақат биттасини ўзгаришини катализлайди, - стереоспецификлик деб шунини айтилади. Масалан, фумарат кислотанинг цис-изомерлари бўлиши неминат кислота фумараза субстрати бўлиши мумкин эмас:






Аминокислоталарнинг ўзгаришида иштирок этадиган ферментларнинг фақат аминокислоталар L-изомерларига таъсир ўтказса, углеводдорларнинг ўзгаришини катализлайдиган ферментлар углеводларнинг – D – изомерларига таъсир қилади, холос.

Ферментлар ҳам худди бошқа катализаторлар сингари мувозанат ҳолатини ўзгартирмасдан, балки шу ҳолатга етиш вақтини тезлаштиради. Масалан, фумарат кислота эритмасига фермент тушириладиган бўлса, у ҳолда фумарат-малат реакциясини қайд қилиш мумкин; бордию шу ферментнинг ўзини олма кислота (малат) эритмасига солинадиган бўлса, у ҳолда малат→фумарат реакциясини кузатса бўлади. у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам (фумарат) / (малат) нисбатан 1:4 бўладиган мувозанат ҳолати қарор топади. Кимёвий реакциясини системада Гибсс энергияси камайишига алоқадор томонга қараб ўз-ўзидан давом этиб боришини эслатиб ўтамиз (экзергоникреакциялар) мувозанат ҳолатида Гибсс энергияси ҳаммадан кам, минимал миқдорда бўлади. Гибсс энергияси ортиб боришига алоқадор реакциялар (андергоник реакциялар) термодинамик жихатдан тежамли эмас, улар ўз-ўзидан давом этиб беролмайди. Лекин ташқи энергия манбаи бўлса, шундай реакциялар ҳам юзага чиқиши мумкин; аynи вақтда андергоник реакция системаси билан энергия етказиб берадиган системасининг умумий Гибсс энергияси камайиб боради.

Тирик хужайрада андергоник реакциялар учун кўпинча аденозинтрифосфат кислота (АТФ) гидролизининг экзергоник реакцияси

энергия манбаи бўлиб, хизмат қилади. АТФ аденин, рибоза ва фосфат кислотаси унумлидир.



### Ферментлар классификацияси ва номенклатураси


Ферментлар классификацияси улар таъсирининг ўзига хос, яъни специфик бўлишига асослангандир. Барча ферментлар ўзларининг катализлайдиган реакцияларининг типига қараб олтига асосий синфга бўлинади. Ҳар бир синфи кенжа синфларга ва яна худди шу принципга мувофиқ, яъни реакцияларнинг типига қараб кичик кенжа синфларга ажратилади.

Оксидоредуктазалар. Оксидоредуктазалар синфи ҳар хил типдаги оксидланиш-қайтарилиши реакцияларини катализловчи ферментларни ўз ичига олади. Жумладан, бу синфга юқорида кўздан кечириб чиқилган НАДга карам ва флавинли дегидрогеназалар киради.

Оксидоредуктазаларнинг бошқа бир типи оксидазалардир. Бу ферментлар кислород бириктириш йўли билан субстратларнинг оксидланишини катализлайди. Чунончи, аминоксидазалар аминларни оксидаб, альдегидлар билан аммиак ҳосил қилади. Масалан, гистаминнинг оксидланиш реакцияси:



кислота қолдиклари пептид занжирининг серин ёки треанин гидроксил группаларига бирикади.



Барча киназалар максимал активлигини номоён қилиш учун  $\text{Mg}^{2+}$  ёки  $\text{Mn}^{2+}$  ионларига мухтож бўлади.


Гидролазалар. Бу ферментлар турли туман боғларнинг парчаланиши ва шу парчаланган жойга сув бириктириш реакцияларни катализлайди:




Гидролазалар синфига мураккаб эфир боғларини парчалайдиган эстеразалар масалан липаза, холин эстераза); пептидазалар ёки пептид гидролазалар (пепсин, трипсин, карбоксилентидаза ва бошқалар): гликозид боғлари гидролизлайдиган гликозидазалар киреди ва хоказо.

Лиазалар. Лиазалар жумласига органик килоталардан корбаксил группасини ажратиб оладиган декарбоксилазалар, масалан, юқорида тилга келиб ўтилган гистидин-декарбоксилаза; углерод-углерод боғини парчалаб, альдегидлар ҳосил бўлишига олиб келадиган альдозазалар; қўшбоғ бўйлаб сув бириктирадиган гидратазалар (масалан, фумаразалар); бирикмалардан сув молекуласини ажратиб олиб, қўшбоғ ҳосил келадиган дегидратазалар масубдир.

Изомеразалар. Хайвонларнинг организмида икки типдаги изомерланиш реакциялари группалари молекула ичида олиб ўтиши ва молекула ичидаги оксидланиш қайтарилиш реакциялари ҳаммадан кўп учрайди. Биринчи типдаги реакцияларни молекулалар ичи трансферазалари деб аталадиган изомеразалар катализлайди. Масалан, фосфоглицеромутаза 3-фосфоглицерат кислотани 2-фосфоглицерат кислотага айлантиради.



Иккинчи типдаги изомерланиш реакцияларини молекулалар ичи гидроредуктазалари катализлайди. Мана шундай реакциялар жумласига изомерлар билан метозларнинг бир-бирига айланиши киради. Масалан, триозофосфатизомераза диоксиацетанфосфат билан глицеральдегидфосфатнинг бир-бирига айланишини катализлайди.



Лигаза (синтетазалар). Бу синф ферментлари катализлайдигин реакцияларнинг ўзига хос хзусусияти энергия манбаи сифатида АТФ дан фойдаланишдир.

Ферментлар номенклатураси.

Ферментларнинг тарихан юзага келган (тривиал) номлари кўпинча субстрат номидан олиниб, суффиксни-аза га ўзгартириш йўли билан тuzилади. (Фумараза, гистидаза, аргиноза ва хоказо). Халқаро биохимия иттифоқининг ферментлар бўйича комиссияси ферментлар рационал номенклатураси қоидаларини ишлаб чиқади. Шу қоидаларга мувофиқ фермент номидан

нинг субстратлари ва фермент қайси синфга мансуб бўлса, шу асосий синф кўрсатилади.

Хар бир фермент синф , кенжа синф, кичик кенжа синф номерини маънада кичик кенжа синфдош фермент номерини кўрсатилган махсус шифр билан белгиланади. Масалан, 2.6.1.2- аланин оксиглутарат-аминотрансфераза: 4.3.1.3-глатидин-алемиак-лиаза (гистидаза): 1.1.1.2.8-лактат: НАД-оксидоредуктаза (лактобдегидрогеназа) . Рационал номлари қисқичча изоҳлар бермасдан туриб мазкур фермент катализлайдиган реакцияни тасаввур қилишга имкон туғдиради. Бироқ улар аксари анча узун бўлади, шу муносабат билан бу номлар билан бир қаторда тривиал номлардан ҳам фойдаланилади.

Ферментларнинг тиббиётда қўлланилиши.

### 1. Ферментларнинг дорилар тариқасида қўлланилиши.

Баъзи ферментлар шифобахш воситалар тариқасида қўлланиладиган бўлиб қолди. Масалан, меъда ширасидаги пепсин миқдори камайиб қетадиган меъда касалликларда иштаха очиш учун пепсин препаратларни буюрилади. (Ўринбосар терапия ) Жарахатларни биринчи бор тозалаб , шуволлаш вақтида турли протеолитик ферментлар қўлланилади. Бу фермент емирилган хужайраларнинг оқсилларни гидролизлаб, жарахатнинг тозаланишига ва яллиғланиш ходимларининг камайишига ёрдам беради. Нуклеазалардан баъзи вирусли касалликларга даво қилишда фойдаланилади. Масалан, вирусли , конъюнктивитга даво қилишда таркибида ДНК аза бўладиган томчи дорилар кўзга мувоффақият билан шиклатилади. Фермент вирусдаги ДНК ни парчалайди ва шу билан дардга даво бўлади. Қон томирларининг қон лахталари билан тикилиб қолиши, қонни тромбозларга йўл қўймаслик ёки буларга даво қилиш учун баъзи протеолитик ферментлар айниқса кенг қўлланилади.

Аспарогеноза лейкозлар (оқ қон раки ) нинг баъзи формаларига даво қилиш учун қўлланилади. Бу даво шунга асослангани , лейкозга учраган хужайраларда аспараген(оқсиллар синтези учун зарур аминокислоталарнинг

бири) синтезланмайди ва хужайралар бу аминокислоталарнинг қон плазмасидан олади. Бемор қонига аспарогеноза юбориладиган бўлса, у вақтида қон плазмасидаги аспорагин парчаланиб кетади ва лейкозга учраган хужайраларда оқсиллар синтези тўхтайтиди хужайралар халок бўлиб кетади. Хавфли қисмларга даво қилиш учун ярайдиган ва худди шундай механизм билан таъсир кўрсатадиган бошқа ферментлар ҳам маълум улар қисми тўқимасининг ўсиб бориши учун зарур бўлган қандай бўлмасин бирор моддани парчалайди.

2. Ферментларнинг аналитик реактивлар тарзида қўлланилиши. Ферментларнинг субстратга нисбатан юқори даражада специфик бўлиши уларнинг ниҳоятда ўзига хос аналитик реактивлар қилиб қўяди. фермент ёрдамида таркибида бир талай бошқа моддалар бўлган аралашмадаги субстратни аниқлаб олса бўлади. Қон ва бошқа организмнинг бошқа сувоқликлардаги метоболитлар концентрацияларини ферментлар ёрдамида аниқлаш методлари клиник лаборатория анализи амалиётда тобора кенроқ қисм бўлиб бормоқда. Глюкоза мочевина, урат кислота (сийдик кислота) сут кислота, креатинин, холестерин, треацилглицеринлар ва бошқа моддалар шикдори ана шу методлар билан ўлчаб аниқлаб олинади. (3)

1.3 Фосфолипаза Д ферменти ва унинг тарқалиши.

Тажрибада йўл қўйилган хатолик туфайли кашф этилган. Фосфолипидларни гидролизилаб фйосфотид кислота ва сувда эрийдиган қисслар ҳосил қилишга қодир ферментлардан бири ФлД дир. Бу ферментни биринчи бўлиб таърифлаган Хокан (4) 1947 йил реакцияни тугатиш учун жараёнини тўхтатишга лаёқатли деб ҳисобланган органик эритувчи –диэтил эфир ишлатди. Диэтил эфир ва баъзи бир эритувчилар ферментнинг гидролизи ва трансфераза фаолликларини рағбатлантиради.

Биринчи бўлиб Бенсон ходимлари билан фосфолипаза Д га эга хужайравий экстрактларнинг сувда эрийдиган спирт мавжудлигида фосфолипидларнинг фосфатид кислота қолдиғини топишга қодир эканлигини аниқладилар.

Фосфолипаза Д мисолида биз етарли муҳим ходисага дуч келамиз.

Биринчидан: ферментда реакция типига аниқ намоён этиладиган махсуллик эканлиги у фосфатид кислота билан азот асоси ўртасидаги боғни танлаб гидролизлайди.

Иккинчидан ферментнинг барча субстратлари-фосфолипидлар, субстрат молекуласи ацил қисмининг тузилишидаги ўзига хослик тўғриси гидрофобликка эга.

Учинчидан: барча субстратлар ичида лецитин ва лизолецитин нисбатан субстратнинггайнан физикавий ёки тўғриси физикавий кимёвий ҳолати реакциянинг кечиш тезлиги ўз аксини топади.

Фосфолипаза Д фосфолипидларнинг сувда эримайдиган субстратларнинг каталитик ўзгаришда иштирок этади. Улар физик-кимёвий хоссалари ва ўзига хослиги билан фарқ қилади.

Фосфолипаза Д фосфолипазаларнинг вакилларидан биридир. Бу фермент фосфолипидлар молекулалардаги фосфодиэфир боғни парчалаш қусурисига эга. У мембраналар фосфолипид таркибининг ва уларга боғлиқ бўлган липид-боғ функцияларининг тартибга солинишида муҳим рол ўйнайди. Сабзи илдиз меваси ва қарам барглари экстрактида қандайдир. "Лецитиноза" бўлиб у тухум лецитинини гидролизланганда холинни ажратиш хассасига эга эканлигини аниқланган.

Кейинчалик яна кўп тажрибалар ўтказиб бу фермент ўсимликларда айниқса қарам баргларида (5) ерғоқда, чигитда (6) кофеда, трупда (7) ва доказоларда кўп миқдорда бўлиши аниқланган.

ФлДнинг икки тури эрувчан ва мембранан билан боғланган тури фарқ қилинади. 1954 йилда Keyts ўсимликлар экстрактида лецитинни гидролизловчи фермент пластида фракциялари билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, цитоплазматик фракцияларда умуман бўлмадлиги аниқланган.

Бирмунча кейинроқ чигитнинг ёғсизлантириш қукунида фосфолипаза Днинг сувда эрувчан формаси ажратиб олинган (8) Кейинчалик аниқланишича, ўсимликларда фосфолипазанинг сувда эрувчан формаси билан бирга ферментнинг бир қисми боғланган ҳолда ҳам учраб экан. Бундан ташқари,

нинг бир шаклдан (митохондриялар билан боғланган) иккинчи шаклга эрувчан ФлД га ) ўтиш имконияти мавжудлиги маълум бўлган. Буни кофеин таркибидаги фосфолипаза Д ни ўрганишда аниўланган.

Бу фосфолипазанинг айрим хоссалари ва молекуляр вазни кичиклиги билан фарқ қилинадиган бошқа тур хили ҳам топилган. У микроорганизмда бўлар экан. Олинган маълумотлар шундан далолат берадики фермент, бу объектларда ҳам қисман мембрана билан боғланган ва сувда эрувчан формаларда бўлар экан, масалан, қизил сув ўтлардан олинган Фл Д мушайра зарралари билан чамбарчас боғланган бўлиб хатто ультратовуш тасир эттирилганда ҳам салюбилизирланмайди. Наеморkilus ravaenfluenrae hachijonsis дан олинган ФлД эса эрувчан формада олинган. Бир қатор микроорганизмларнинг ФлД фақат мембраналарда тўпланган бўлиб, салюбилизирлана олмайди. Микробли бир қанча объектлардан ФлД нинг молекуляр оғирлиги 16000 бўлган сувда эрувчан шаклли ажратиб олинган. Хайвонлар тўқималарида ҳам ФлД бўлиши анча кейинроқ аниқланган. Текит билан Конфер бу ферментни жигар микросалаларидан топган. Дастлабки олиб борилган ишларда бу фермент қайси шаклда бўлиши воаниқ бўлган чунки нишонланган фосфолипидлар билан олиб борилган in vivo текширувлардагина бу хақида хулоса чиқарилган. Сенто текрибаларида фосфолипаза активлиги мембрана фракцияларида тўпланганлиги ва фермент мембраналар фосфолипидлар билан мустахам боғланганлиги аниқланган. ФлД фосфолипидларни гидролизлашдан ташқари лизофосфидлар молекулаларидаги боғларни ҳам парчалаш хоссасига эга.

Хайвонларнинг хар хил тўқималарида ҳам ФлД борлиги кейинроқ маълум бўлди. Каламушнинг тўқималари текширилганда мияси, жигари, юраги, ўпкаси, қаротолоғи (9.10) фермент борлиги аниқланган. Мембрана ва ўпкалар микросома мембрана учун ФлД нинг солиштирма активлигини нинг юқори бўлганлигини аниқланган.

Адабиётлардан бу маълумотларга асосланиб, шундай хулосага келиши мумкин, яъни ФлД узоқ вақтгача айтилгандан фақат ўсимликларга эмас балки хайвон объектларида ва микроорганизмларда ҳам кенг тарқалган. Бу фермент мембрана билан боғланган фосфолипазадир.

Ферментнинг ўсимликлардаги эрувчан, формаси мембрана фосфолипаза Д сининг салюбилизирлашган шаклидир. Микроорганизмларда ферментнинг ҳар 2 ла шаклини мембрана билан боғланган ва секретланувчи шакли бўлади. Шу билан бирга хоссалари ўсимлик ва хайвонлар ФлД сининг хоссаларидан фарқ қилади.

### **Фосфолипазалар харақтеристикаси**

Фосфолипазадар сувда эримаидиган субстратларни- фосфоли-пидларнинг гидролизини катализ қилувчи ферментлар бўлиб, липо-литик ферментлар қаторида ўзига хос ўрнига эга..

Субстратларнинг мураккаб эфир боғларининг қайсиниси гидро-лизланишига қараб, фосфолипазаларни тўртта тигига бўлиш мумкин:

#### Фосфолипаза А

1. Фосфолипаза А1

2. Фосфолипаза А2

3. Фосфолипаза В

4. Фосфолипаза С

5. Фосфолипаза Д

Фосфолипазалар 2 хил реакцияни катализ қилиши мумкин.

#### **1. Фосфолипидлар гидролизини катализлаиди;**

1. Фосфолипидлар ва спиртлар транс-перэтерификациясини катализлаиди;

2. Қанда лецитин мисолида фосфолипазаларниг ўзаро фарқи схематик равишда кўрсатилган:

3. Фосфолипидларнинг ўзаро фарқи схематик кўриниши.

Фосфолипаза A1  $\beta$  ҳолатидаги гидролизи фосфолипаза, А билан катализ қилади. (Фосфатидилхолин ацилгидролаза КФ 3,1,1,4). Фосфолипаза А каталитик қилган реакция натижасида ёғ кислота ва тегишли лизофосфолипидлар ҳосил бўлади. (1960 йил, Катез). Фосфолипаза А кўпроқ ҳайвонот ва микроорганизмларда учрайдиган фермент. Фосфолипаза А фосфолипиддаги ацил қосимчаларининг парчаланиш ҳолатига қараб, иккига бўлинади:

Фосфолипаза A1 L- ҳолатидаги эфир боғи гидролизи учун спецификлик намоён қилади.

Фосфолипаза A2  $\beta$  - ҳолатидаги ёғ кислотали қосимчаларини парчалайди. Кўпроқ спецификликка фосфолипаза В эга. (КФ 3,1,4,5). Бу фермент моноацил фосфоглицеридларни 1 ациллайди. Фосфолипаза В фосфолипаза А каби ҳайвонот оламида ва микроорганизмларда аниқланган. Бу фосфолипазалар адабиётларда бошқа номларда ҳам учрайдиган. Бу фермент лизолецитиназа, лизофосфолипаза, фосфатигидролаза ва бошқалар.

Фосфолипаза С (фосфатидилхолин- фосфохолингидролаза, КФ 3,1,4) фосфолипидлар ва лизофосфолипидлар гидролизини катализ қилади. Фосфолипаза С глицерид қисм ва фосфор асослар оралиғи-1 даги ацилнинг гидролизини катализлайди. Фосфолипаза С ҳозирча I қатор микроорганизмлардан ажратиб олинган. Бу фермент 1д - оС - фосфатид кислота ва азот асослари орасидаги боғни узади. Бу фермент фосфолипидларни диглицерид ва церамидгача парчалаб, тахминан 80 - 90 % қолдориқка эга.

Фосфолипаза A2 (фосфатил-ацилгидролаза, КФ 3,1,1,4) аса-лари, ари, илон ширларида, шунингдек баъзи ҳайвонлар тўқима-ларида ҳам топилган. Бу фермент бактерия ва ўсимликларда ҳам топилган. У мембрана фосфолипидларининг тахминан 80-90 % гача парчалайди. [1]

## Фосфолипаза Д нинг характеристикаси

Фосфолипаза Д (фосфатидилхолин-фосфатидогидрохолинни холин ва фосфатид кислотагача парчалаиди. Бунда липидларда 70% гача парчаланиш мумкин бўлади. . Фосфолипаза Б 2 реакцияни катализлаиди: [ 4 ]

1. Фосфолипидларнинг гидролизини катализлаш схематик кўрилади. Бу реакция натижасида фосфатидил кислота ва тегишли спирт ҳосил бўлади.

2. Фосфолипидлар ва спиртлар транс-перезтерификация реакциясини катализлаиди.

Бу реакция натижасида янги фосфолипид келиб чиқади. Фосфолипаза Д юқори температураларда аниқланган бўлиб, турли қисмлардан ажратиб олинган. Шунингдек бу фермент тубан ўсимликлар ва микроорганизмларда ҳам аниқланган. Фосфолипаза Д авваллари хайвон тўқималарида учраши аниқланмаган эди.

Ўтган йилларда фосфолипаза Д ҳам япон олимлари томонидан хайвон тўқимларида ҳам борлиги аниқланган. 1973 йили Таки Yamamoto текширишларида бу фермент жигар микросомаларида топилади. Шу йил Sai to Kanfer мия хужайралари микросомаларида ҳам бу ферментни аниқлади. Фосфолипаза Д тубан ўсимликлар ва микроорганизмларда эриган ва хужайра бўлакчаларца боғланган ҳолда топилади.

Ўсимликлар фосфолипаза Д си 2 та формада бўлади. [ 3 ]

1. Термолабиль- фосфолипаза Дл

2. Термостабиль- фосфолипаза Дс

Бу икки формалар бир-биридан бир қанча хоссалари билан фарқланади.

